



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2004 йил 8 апрель, пайшанба • 15 (3543)-сон

Патруль-пост хизмати замонавий алоқа воситалари, махсус автомашиналар ва бошқа зарур техника воситалари билан таъминланган. Бу жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни иссиғида фош этишда қўл келмоқда.



Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ППХ батальонлари Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият олиб боришади. Ушбу батальонлар милиционерларининг юқори даражадаги касб маҳорати, белгиланган вазифаларни сикидилдан бажараётганлиги туфайли жамоат жойларида содир этилаётган жиноятлар камайиб бормоқда. Вилоят ҳудудида оммавий, спорт ва маданий-маърифий тадбирларнинг осойишта вазиятда ўтишида ҳам уларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Суратларда: Фарғона вилояти ИИБ ППХ батальони ходимлари, милиция кичик сержанти Шавкатжон Полвонов ҳамда милиция сержанти Иброҳимжон Холмирзаев (чапда); ППХ батальони отряд сардори, милиция капитани Иброҳимжон Расулов, милиционерлар, милиция кичик сержанти Козимжон Орипов ва милиция сержанти Қобилжон Деҳқонов хизмат пайтида.

Б. ОМОНЗОДА олган суратлар.

## ОЛДИНГИ САФДА



## ДУНИЁ ҲАФТА — ИЧИДА —



Сешанба куни Назран яқинида Ингушетия Президенти Мурат Зязиковга суиқасд уюштирилди. Гувохларнинг айтишича, М. Зязиков ўз қароргоҳига бораётганида автомобиль кортежи орасига "Жигули" машинаси суқилиб кирмоқчи бўлган. Кўриқлаш хизмати машиналари уни йўл четига сиқиб чиқаришаётганда портлаш юз берди. "Жигули"га ўрнатилган портлов-

кўчиб кетди. 500-600 метр радиусдаги хонадонларнинг дераза ойналари чилчил синди. Президент кўриқчиларидан олти нафари турли даражадаги танжароҳати олиб, касалхонага ётқизилди. М. Зязиковнинг ўзи енгил жароҳатланди. У шифохонага ётишдан бош тортиди.

Воқеа жойига зудлик билан республика прокуратураси, ИИБ ва Федерал хавфсизлик хизмати вакиллари билан иборат терговтезкор гуруҳи етиб келди. Улар хулоса чиқаришга шошилишмаяпти. Тергов тахминлари бир нечта. Аммо террорчилик ҳаракатини фанатик камикадзе содир этгани аниқ. Экспертлар ишга киришишган.

"Бу ҳаракатлар нафақат Ингушетия, балки Шимолий Кавказда вазиятни издан чиқаришга уринишдир", — дея баҳо берди М. Зязиков.

Ироқдаги радикал шиалар етакчиси Муқтада ас-Садр ўз тарафдорларини иттифоқчи кучларга қарши исёнга чақирди. У бошчилик қиладиган "Махди армияси" ташкилоти аъзолари 5 апрель куни Ан-Нажаф, Карбало, Басра шаҳарларида бир қанча курулли ҳаракатлар уюштиришди. Бунга жавобан иттифоқчи кучлар экстремистик тузилмаларни тугатиш бўйича махсус операцияларни бошлашди. "Хизбуллоҳ" ташкилоти вакиллари Байрутда берган баёнотларида Ироқдаги исённи қўллаб-қувватлашларини маълум қилишган.

Ал-Куфа шаҳрига денгиз пиёдалари десанти келди. Шу шаҳардаги мечитда туриб ас-Садр ўз тарафдорларининг жанговар ҳаракатларига бошчилик қиляпти. Ўша ерда жойлашган "Карбало" телестанциясидан унинг исёнга чорловчи чақириқлари берилляпти.

Ан-Носирия шаҳрида 13 киши ҳалок бўлиб, 20 нафардан зиёди яраланди. Иттифоқчи кучлар қўмондонлиги вакилининг айтишича, ас-Садрни ҳибсга олиш учун ордер берилган. Иордания қўшни Ироқ билан боғловчи автомобиль йўлини хавфсизлик нуқтаи назаридан вақтинча ёпиб қўйди.

Қатарнинг "Ал-Жазира" телекомпанияси хабарига кўра, Бағдод ғарбида жанговар ҳаракатлар чоғида ўтган кунлар ичида 12 нафар АҚШ денгиз пиёда-си ва ироқлик 52 киши ҳалок бўлган. Ярадорлар сони 100 нафардан ошади.

● Фаластин Мухторияти Бош вазири Аҳмад Куря Иордания пойтахти Уммон шаҳри шифохоналаридан бирига ётқизилди. Хабарларга қараганда, у ҳафтанинг бошида ўтказилган ҳукумат йиғинини бошқараётганида юрак хуружидан хушини йўқотган ва шифохонага ётқизилган.

● АҚШ томонидан Ироқ маъмурий бошқарувчиси вазифасини бажариб келаётган Пол Бремер мамлакат Мудофаа вазири ва Разведка хизмати раҳбарлигига янги мансабдорларни тайинлади. Эндиликда Ироқ Мудофаа вазири вазифасини собиқ Савдо вазири Али Аллавий бажаради. Миллий разведка хизмати идорасига эса Саддам Хусайн даврида кувгинда бўлган ҳарбий — Муҳаммад Ал-Шахвоний раҳбарлик қилади.

● Непалнинг Ядукува шаҳри полиция идорасига Маочилар партияси томонидан ҳужум уюштирилган. 100 дан ортиқ жангари иштирок этган босқинчилик пайтида 9 нафар полициячи ҳалок бўлган.

● Эроннинг Хонобод ва Ҳайдария шаҳарлари чегарасида катта юк машинаси йўловчи автобус билан тўқнашиб кетди. Автоҳалокат натижасида 29 киши оламдан ўтди, 28 нафар йўловчи жароҳатланди. (N)



чи қурилма шунчалик кучли эдики, яқин атрофдаги машиналарни суриб ташлади. Трасса ёқасидаги 7 та кўпқаватли уйнинг томи

Жасоратингизни ватан унутмайди

Онанинг оху носаси замину осмонни ўртади. Юрагининг қат-қатидан чиқаётган фарёд оламни бузгудек. Тоғларнинг ҳам бугун қадди букик. Еллар ҳам пана-панада она носасига қулоқ тутаётгандай.

Ой бўлиб тўлмай кетдинг, вой болам  
Юлдуздайин кулмай кетдинг, вой болам  
Дийдорингга тўёлмадим, болам-ей  
Сени асраб қололмадим, болам-ей...

Салима опа умр йўлдоши Жуман ака билан Намданак қишлоғи чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган. Етти фарзандни ҳалол меҳнат эвазига боқиб, вояга етказишди. Ўзлари ўқимагани боис уларни илмли-маърифатли қилиш учун ҳеч нарсаи аяшмади. Ваҳобиджон оилада тўртинчи фарзанд бўлиб, болалигидан зийрак, тиришқоқ, қизиққонлиги билан ажралиб турарди. Ишни доимо маромига етказишга интиларди.

# МАРД



# ЎҒЛОНГА ТАЪЗИМ

– Мен юқори синфларда Ваҳобиджонга дарс берганман, – дейди 22-умумтаълим мактаби математика ўқитувчиси Абдумалик Йўлдошев. – У ўта вазмин, тўғрисиёз, теран фикрлай оладиган йигит эди. Хонадон соҳибларининг суяги меҳнатда қотган. Ваҳобиджоннинг акаларини ҳам ўқитганман. Ваҳобиджон кўз ўнгимизда ўсиб улғайди. У яна бир ўқувчим – Дилобар билан турмуш қурганида чин дилдан хурсанд бўлганман. Қишлоқда доимо уни ўрнак қилиб кўрсатардик.

– У жуда эътиборли эди, – дейди синфдоши Мурад Солиев, – ҳатто ҳарбий хизматда бўлганимизда хат ёзишиб турардик. Спортга иштиёқманд бўлиб, бокс, кураш билан шуғулланарди.

– Ўша куни эгниларига янги формани кийдилар, – дейди рафиқаси Дилобар. – Одатда жўнаб кетаётганларида машина сигнали чалинарди. Лекин бу гал қайта-қайта хайрлашдилар. “Болаларга қара, яхшилаб қара!” Бу гапни бир неча марта такрорладилар. У ки-

шини охириги марта кўраётганим хаёлимга ҳам келмаган эди...

Фарзандлари Абдоржон ва Садоқатларни қучганича юм-юм йиғлайди Дилобар.

Ваҳобиджон ҳар гал ишга кетишдан олдин, йўл устида бўлгани учунми, ота-онанинг олдида бирров кириб, уларнинг дуосини олишга одатланган эди. Аммо шу куни сут топшириб қайтаётган онага сигнал чалиб, кўлини кўтарганча ўтиб кетди. Бунга одатланмаган Салима опа ҳангу манг бўлиб, ортидан термилганча қолаверди. “Йўлини тўсиб тўхтатсам, тўйиб-тўйиб бағримга боссам бўлмасми”, – дея кўксига уради она. Ҳа, бу армон то юраги уриб турган экан қалбида ҳамиша бирга яшайверади.

– Уйланганига 14 йил бўлган бўлса, бирон марта оиласида гап-сўз ўтганини билмайман, – гапга қўшилди Ваҳобиджоннинг акаси Илҳом Нуриддинов. – Кўпинча унинг маслаҳатларига қулоқ тутардим. Доимо яхши инсон бўлиб етишсам, дерди.

Инсон ҳаёти, у яшаб ўтган вақт йиллар билан эмас, эл-юрт, яқинларига қилган савоб ишлари, яхшилиги билан ўлчанади. Тошкент вилояти ИИБ ЙХБ ЙПХ батальони 1-ЙПХ отряди инспектори, милиция старшинаси Ваҳобиджон Нуриддинов Паркент тумани Намданак қишлоғида туғилиб ўсди. 1988 йили ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ишчи бўлиб иш бошлади. Икки йил шу зайлда ўтди. Бир куни оила аъзолари дастурхон атрофида йиғилишганда:

– Мен милицияда ишламоқчиман, оқ фотиҳа беринглар, – деди.

Унинг бир сўзли, қарори қатъийлигини сезган ота-она дуога қўл очишди. Ваҳобиджон дастлаб Оҳангарон тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимида милиционер-кинолог лавозимида ишлади. У сергаклиги, касбига бўлган қизиқиши билан бошқалардан ажралиб турарди.

– 1997 йил Красногорск кўрғониде жойлашган “Лола” дўкониде ўғирлик содир этилгани ҳақида хабар олдик, – дея ҳикоя қилади

Паркент тумани ИИБ Намданак тоғли ҳудуд ЖК бўлини маси катта тезкор вакили, милиция капитани Абдусалом Собиржонов. – Ўшанда Ваҳобиджон кўриқлаш хизматида ишларди. Воқеа жойига етиб борсак, у ўғрини ушлаб, дўкондан олиб чиқаётган экан. Унинг ўтказиладиган тадбирларда фаол қатнашиб, вазиятга тўғри баҳо бериши, аниқ ҳаракатлар қилиши ҳам-касблари ва раҳбариятнинг оғзига тушган эди.

... Ўша куни ишга келган Ваҳобиджон сафдошлари билан Қибрай туманидаги “Қорамурт” блок-постида юборилди. Пойтахтимизда юз берган нохуш воқеалар посбонлардан хушёр ва сезгир бўлишни тақозо этарди. Чунки ғаламислар транспорт воситаларида ҳаракатланиши мумкин эди. Шу боис барча транспорт воситалари синчковлик билан текширилиши керак. Навбатдаги “Тико” автомашинаси тўхтатилганда Ваҳобиджон ҳайдовчи ва салонни кўздан кечиришга чоғланди. Бирок, террорчи портлатиш мосламасини ҳаракатга кел-

тирди. Мазкур портлаткичдан ташқари автомашинада не-не офатлар келтиришга қодир қуроллар, турли кўпорувчилик ашёлари бор эди. Ваҳобиджоннинг навқирон ҳаёти эвазига бу балолар қайтариб қолинди.

– “Умрлар бор тиригида ўликдир, Умрлар бор ўлигида тирикдир”, – дея сўхбатга қўшилди Турғун Шарофутдинов. – Мен Ваҳобиджонга она тили ва адабиётдан дарс берганман. Жуда зеҳли, тиришқоқ, билимга чанқоқ ўқувчи эди. Маҳалла кўмитаси раиси сифатида кейинчалик ҳам унинг ҳаёти, юриш-туришидан хабардор бўлиб турдим. Мен Ваҳобиджонга ўхшаш юртимизнинг муносиб ўғлонлари ҳаётига зомин бўлган кимсаларни лаънатлайман. Ота-оналар, болалар, аёлларнинг кўз ёшлари бундай ғараз ниятли кимсаларни соғ қўймаслиги, бугунми, эртами қилмишларига яраша жазоланишига ишонаман.

– Ўз халқининг осойишталигини сақлаш йўлида шаҳид кетган яна бир навқирон йигитни ер бағрига топширдик, – дейди Намданак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зоир Пирматов. – Ваҳобиджон ўз жасорати билан юзлаб, минглаб одамларнинг умрини асраб қолгани учун нафақат оила аъзолари, бутун қишлоқ аҳли фахрланади. Уни охириги йўлга кузатишда қишлоқнинг барча ёшу қариси қатнашди. Халқ ўз қаҳрамонларини унутмайди. Тинчимизни бузишга ҳаракат қилаётганларга эса нафратимиз чексиз.

Ҳа, Ваҳобиджон Нуриддиновдек фидойи, мард ўғлонлари бор юрт завола топмайди. Улар халқимиз хотирасида мангу яшайди.

**М. ИБРОҲИМОВА.**

Суратда: Ваҳобиджон Нуриддинов рафиқаси Дилобар билан.

## ҲУШЁРЛИК ДОИМ ЗАРУР

Республикамиз пойтахтида содир этилган террорчилик ҳаракатларини эшитиб газабга тушдик. Худудимизда 22 та қишлоқ бўлиб, аксарияти Тожикистон билан чегарага яқин жойлашган. Туман ички ишлар бўлими вакиллари билан қишлоқларни айланиб чиқиб тушунтириш ишлари олиб бордик. Аҳоли ўртасида ўтказилган сўхбатларда хушёрлик ҳар доимгидан ҳам зарурлиги ўқтирилди. Профилактика инспектори, милиция майори Эржигит Каттабеков билан маҳалла посбонларига кўрсатмалар бериб, оқсоқоллар ва фаоллар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилади.

Худудимизда тоғ ва ўрмонлар кўп. Шу боис ўрмон хўжалиги ходимлари, тоғбегилари ҳам иш жараёнида атрофни кузатиб боришга жалб этилди. Чегара масканларида кеча-кундуз навбатчилик ташкил этилган.

Халқимизда эҳтиёт бўлганни Аллоҳ эҳтиётлайди, деган нақл беҳиз айтилмаган. Биз ана шу нақлга амал қилиб яшаймиз.

**Рисбой СОИПОВ,**  
Жиззах вилояти Бахмал туманидаги “Бахмал” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Бир тўда босқинчиларнинг юртимиздаги осойишталикни бузишга интилиши, табиийки, халқимизнинг нафратини кўзгатди. Юртбошимиз республика телевидениесида берган интервьюсида бундай бузғунчиликларнинг олдини олиш ва барқарорликни таъминлашда ҳар бир тинчликсевар фуқаро, шу жумладан, кўп сонли маҳалла посбонларининг бурчи эканлиги ҳақида гапирар эканлар, уларга катта ишонч билдирдилар.

Маҳалламиздаги йигирма минг нафарга яқин аҳоли асосан кўп қаватли уйларда истиқомат қилишини ҳисобга олиб, сафимизга сергайрат ёшларни жалб этдик. Профилактика инспекторлари, фаоллар билан биргаликда уйларнинг чордоқ ва ертўлалари яна бир бор синчиклаб кўздан кечирилди. Тунги гуруҳлар кўпайтирилиб, қатъий жадвал бўйича навбатчилик йўлга қўйилди. Маҳалламизга келиб-кетаётган бегона одамларни сўраб-суриштириш, ўз уйини ноқонуний равишда ижарага қўйганларни аниқлаб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

**О. ШОНИЁЗОВ,**

Юнусобод туманидаги “Ўзбекистон мустақиллиги” маҳалласи посбонлари сардори.

Бир тўда ақидапарастлар томонидан уюштирилаётган бузғунчилик ҳаракатлари аҳолини кўрқитиш, ваҳима солиш, барқарорликни бузиш, ҳаётни издан чиқаришга қаратилгани аниқ. Лекин, тинч яшаш истагидаги юртдошларимиз уларнинг дағдағасидан ҳеч қачон саросимага тушмайди. Пойтахтимиз ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида рўй берган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан маҳалламизда бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар жоҳиллик, зулмнинг умри қисқа эканлигини айтиб ўтишди.

Ҳа, яхшилик ҳамиша ёмонликни мағлуб этиб келган. Шундай экан ҳаётимизга раҳна солишга уринаётган ғаламислар асло хомтама бўлмасинлар.

**М. УМИРОВ,**

Ўртачирчиқ туманидаги “Уйшун” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг ташаббуси билан жойларда “Ўз уйингни ўзинг асра” шиори остида учрашувлар ўтказилмоқда. Тадбирларга маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла посбонлари ва фаоллари, корхона, ташкилот ҳамда ўқув юртларининг раҳбарлари таклиф этилиб, хушёрлик ва хавфсизлик чоралари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари вазиятдан келиб чиққан ҳолда маҳалларда яшаётган ёшлар профилактика инспекторларига ёрдамга келиб, кечалари боғча, мактаб бинолари ва бошқа иншоотларни кўздан кечириб чиқишяпти.

Вилоят ИИБ томонидан тайёрланган видеороликлар вилоят телевидениеси орқали намойиш этилиб, фуқароларни янада хушёрликка, лоқайдликка йўл қўймасликка даъват этмоқда. Бошқарма хузурида фаолият кўрсатаётган ишонч телефонида тушган хабарлар қисқа муддат ичида текшириб чиқилаяпти.

Олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар барчамизни бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилиш, бундай ёвуз ва жирканч бало-қазоларга бешафқат курашишга ундайди.

**Қ. КАРИМОВ,**  
**У. ҒАФФОРОВ.**

## ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ – МУҲИМ ВАЗИФА

Пойтахтимиздаги 2-автобус саройида меҳнат жамоаси билан республика ИИБ ЙХББ ҳамда ЖК ва ТҚКББ масъул ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда мартнинг сўнгги кунларида мамлакатимизда содир этилган қатор террорчилик ҳаракатлари муносабати билан хушёрликни ошириш ҳақида гап борди.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, террорчилар портлашларни одамлар гавжум масканларда – бозорлар, савдо дўконлари, транспорт бекатлари атрофида амалга оширишга уринишган. Жумладан, жамоат транспорти ичи ҳам ана шундай жойлардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳайдовчилар сезгир бўлишлари керак. Йиғилганларга шубҳали шахслар, қаровсиз қолдирилган нарсалар ҳақида хабар беришлари учун ички ишлар идораларининг ишонч телефонлари маълум қилинди.

– Чиптачилар иш жараёнида йўловчиларнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзларига эътиборли бўлишлари зарур. Ҳайдовчилар бошқа транспорт воситаларига ҳужум бўлган тақдирда ҳам бизга ёки яқин атрофдаги милиция ходимларига дарҳол хабар беришсин, – деди республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Акрам Ходжаев.

Шундан сўнг учрашув қатнашчиларининг йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги бошқа кўплаб саволларига жавоб қайтарилди.

**Б. ТОШЕВ.**

## XXI аср вабоси

Шу йил 28-31 март кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари жаҳон ҳамжамиятининг кескин газабига дучор бўлди. Мамлакатимиз раҳбарияти номига давлат раҳбарлари, сиёсатчилар ва давлат арбоблари томонидан келаётган ҳамдардлик номалари шундан далолат бериб турибди. Испаниянинг Мадрид шаҳрида амалга оширилган дахшатли кўпуровчиликлар ҳовури босилмай туриб, Марказий Осиёнинг қалби бўлган Ўзбекистон халқаро террорчилар нишонига айланди.

Бугун хавфсизликка солинаётган таҳдидлар талайгина. Булар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний экстремизм, миллатчилик ва этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятлардир. Бу таҳдидлар гарчи турли минтақаларда турлича намоён бўлса-да, энг хавфлиси халқаро терроризмдир. Айниқса, 2001 йилнинг 11 сентябрида

АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида амалга оширилган террорчилик ҳужумларидан сўнг бу офат нақадар хавфли тус олганини намоён этди. Натижада террорчиларга умуман ён бермаслик ёки улар билан ҳеч қандай келишувга бормаслик, иккинчидан, терроризмни қўллаб-қувватлаётган давлатларга босим кўрсатиш ёки уларга қарши уруш очиб, учинчидан, терроризмга қарши курашда ёрдамга

муҳтож давлатларга кўмак кўрсатиш зарурати пайдо бўлди. Дарҳақиқат, АҚШ бошчилигида тузилган аксилтеррор коалиция террорчиларга бошпана берган афғон толибларига қарши уруш очди. Ўзбекистон бу коалицияга яқиндан маддад берди. Минтақадаги терроризм ўчоқларининг бартаф этилишига муносиб ҳисса қўшди. Террорчилар ва уларни қўллаб-қувватлаб келган толибларга

“сичқоннинг уйи минг танга” бўлиб қолди. Лекин кейинги пайтларда дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатига уя қуриб олган “Ал-Қоида” террор тармоғи томонидан дунёнинг турли бурчакларида амалга ошираётган кўпуровчиликлари уларни молиявий марказлар турган молиявий марказлар тўла аниқланмаганини исботлади. Мамлакатимиздаги террористик ҳужумларнинг кўлами, шакли ва халқимиз табиатига мос келмаслиги бу ҳужумлар ортида халқаро молиявий марказлар турганлиги ҳақида хулоса қилишга ундайди.

2001 йилнинг октябригача Афғонистондаги биродарқушлик урушига жаҳон ҳамжамиятининг бефарқ бўлиб келгани барча балою-қазоларнинг асосий

сабабчиси дир. Афғонистон толиблар томонидан назорат қилинаётган чоғда террорчилар учун дастлабки база ҳамда афғон урушида иштирок этган ва тайёргарликдан ўтган гуруҳларнинг ватанига айланди. Охириги 10-15 йил мобайнида “афғон битирувчи”лари АҚШ ёхуд жаҳоннинг бошқа мамлакатларига қарши уюштирилган ҳужумлар ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмоқдалар. “Совуқ уруш” якунлангач, пайдо бўлган хавфли террорчи гуруҳлар, хусусан, “Ал-Қоида” раҳбарлари Афғонистоннинг тоғли ҳудудларида қароргоҳлар қуриб олдилар. Уларнинг шотирлари эса Филиппин, Болқон, Марказий Осиё, Форс кўрфази, Ғарбий Хитой, Сомали, Ғарбий Европадан тортиб Жанубий Осиёгача бўлган ҳудудларда “қайноқ нуқта”лар яратиб, уруш оловини ёқишга уриндилар. Дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлганидан бери бу офат Марказий Осиё томон ҳам ўрмалай бош-

йил ноябрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитида эса терроризмга қарши бир ердан бошқарилувчи аксилтеррор марказ тузиш ташаббуси билан чиқди. Аммо Афғонистондек ички низолардан абгор бўлган юртда дунёга таҳдид солувчи ёвуз куч етилаётганига тараққий этган мамлакатлар ишонмайроқ қарадилар. Ҳатто хоризм матбуотида Ўзбекистон раҳбариятининг ўзи фундаментализм хавфига ишонмайди, лекин мутлақо аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда Ғарбни шу омил билан кўрқитмоқда, деган фикрлар пайдо бўлди. Бундай бепарволик, бепишандлик Ғарб учун ҳам, бутун дунё учун ҳам қимматга тушди.

Тўғри, ҳозир жаҳон бўйлаб террорчилар ва уларни қўллаб-қувватлаб турган халқаро молиявий марказларни йўқ қилиш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Аммо Европада айрим экстремистик ташкилотлар ва жиноий тўдаларни қўллаб-қувватлаётган хайрия жамғармаларининг баъзан очик, баъзан ярим ошқора фаолият кўрсатаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ташкилотларнинг бир кун келиб ўзларига қарши бош кўтаришини атрофда бўлаётган воқеалар кўрсатиб турибди-ку! Терроризмга қарши қарашларда икки хил ёндашувдан воз кечилмас экан, уни илдизи билан кўпориб ташлашда муваффақиятга эришилмайди.

Хўш, террорчиларнинг бу сафар кўпуровчилик учун Ўзбекистонни танлашига нималар сабаб бўлди, деган савол туғилади. Негаки, биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг нақ марказида жойлашган. Минтақадаги энг кўп аҳолиси бор ҳамда минтақанинг барча давлатлари билан чегараларга эга. Демак, Ўзбекистондаги вазият беқарорлашса, бу минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги собитқадамлигидан қайтариш эди. Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш йўлидан қайтмаслиги, унинг Афғонистон ва Ироқда олиб борилаётган халқаро террорчиликка қарши коалиция урушини қўллаб-қувватлаши манфур кимсаларнинг гашини келтираётди. Аммо мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, шак-шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буклолмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Хўш, террорчиларнинг бу сафар кўпуровчилик учун Ўзбекистонни танлашига нималар сабаб бўлди, деган савол туғилади. Негаки, биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг нақ марказида жойлашган. Минтақадаги энг кўп аҳолиси бор ҳамда минтақанинг барча давлатлари билан чегараларга эга. Демак, Ўзбекистондаги вазият беқарорлашса, бу минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш йўлидан қайтмаслиги, унинг Афғонистон ва Ироқда олиб борилаётган халқаро террорчиликка қарши коалиция урушини қўллаб-қувватлаши манфур кимсаларнинг гашини келтираётди. Аммо мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, шак-шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буклолмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Хўш, террорчиларнинг бу сафар кўпуровчилик учун Ўзбекистонни танлашига нималар сабаб бўлди, деган савол туғилади. Негаки, биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг нақ марказида жойлашган. Минтақадаги энг кўп аҳолиси бор ҳамда минтақанинг барча давлатлари билан чегараларга эга. Демак, Ўзбекистондаги вазият беқарорлашса, бу минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш йўлидан қайтмаслиги, унинг Афғонистон ва Ироқда олиб борилаётган халқаро террорчиликка қарши коалиция урушини қўллаб-қувватлаши манфур кимсаларнинг гашини келтираётди. Аммо мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, шак-шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буклолмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Хўш, террорчиларнинг бу сафар кўпуровчилик учун Ўзбекистонни танлашига нималар сабаб бўлди, деган савол туғилади. Негаки, биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг нақ марказида жойлашган. Минтақадаги энг кўп аҳолиси бор ҳамда минтақанинг барча давлатлари билан чегараларга эга. Демак, Ўзбекистондаги вазият беқарорлашса, бу минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш йўлидан қайтмаслиги, унинг Афғонистон ва Ироқда олиб борилаётган халқаро террорчиликка қарши коалиция урушини қўллаб-қувватлаши манфур кимсаларнинг гашини келтираётди. Аммо мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, шак-шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буклолмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Хўш, террорчиларнинг бу сафар кўпуровчилик учун Ўзбекистонни танлашига нималар сабаб бўлди, деган савол туғилади. Негаки, биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг нақ марказида жойлашган. Минтақадаги энг кўп аҳолиси бор ҳамда минтақанинг барча давлатлари билан чегараларга эга. Демак, Ўзбекистондаги вазият беқарорлашса, бу минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш йўлидан қайтмаслиги, унинг Афғонистон ва Ироқда олиб борилаётган халқаро террорчиликка қарши коалиция урушини қўллаб-қувватлаши манфур кимсаларнинг гашини келтираётди. Аммо мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, шак-шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буклолмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Хўш, террорчиларнинг бу сафар кўпуровчилик учун Ўзбекистонни танлашига нималар сабаб бўлди, деган савол туғилади. Негаки, биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг нақ марказида жойлашган. Минтақадаги энг кўп аҳолиси бор ҳамда минтақанинг барча давлатлари билан чегараларга эга. Демак, Ўзбекистондаги вазият беқарорлашса, бу минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш йўлидан қайтмаслиги, унинг Афғонистон ва Ироқда олиб борилаётган халқаро террорчиликка қарши коалиция урушини қўллаб-қувватлаши манфур кимсаларнинг гашини келтираётди. Аммо мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, шак-шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буклолмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Хўш, террорчиларнинг бу сафар кўпуровчилик учун Ўзбекистонни танлашига нималар сабаб бўлди, деган савол туғилади. Негаки, биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг нақ марказида жойлашган. Минтақадаги энг кўп аҳолиси бор ҳамда минтақанинг барча давлатлари билан чегараларга эга. Демак, Ўзбекистондаги вазият беқарорлашса, бу минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш йўлидан қайтмаслиги, унинг Афғонистон ва Ироқда олиб борилаётган халқаро террорчиликка қарши коалиция урушини қўллаб-қувватлаши манфур кимсаларнинг гашини келтираётди. Аммо мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, шак-шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буклолмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

## Муносабат

# ХОЛИС ВА ҲАҚҚОНИЙ БЎЛСИН

Шу йил март ойининг сўнгги кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари ҳудудида содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида Россия оммавий ахборот воситаларида айтилган фикр ушбу мақолани ёзишга ундади. Россиялик ҳамкасбимиз Ўзбекистондаги воқеалар хусусида муносабат билдирар экан, террорчилар хуружи халққа эмас, балки милицияга қаратилган, улар атайлаб милиция ходимларини портлатишди, деган фикр-ни айтди.

Авалло шуни таъкидлаш керакки, бизнинг милициямиз ҳеч қачон халқдан ажралмаган ва ажралмайди ҳам. Аксинча, халқ орасига кириб, унинг дарду гамига шерик бўлиб, кечаю-кундуз тинчлигини таъминлаб турибди. Ҳатто шаҳар, туман марказларидан энг олисда жойлашган маҳаллада ҳам, баланд тоғ орасидаги қишлоқда ҳам милиция ходимлари халқ тинчлиги, осойишталигини таъминламоқда.

Республикамиз ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар туфайли профилактика инспекторларининг хизмат фаолияти тубдан ўзгарди. Улар сони кўпайиб, ҳар бир маҳаллада кечаю-кундуз фаолият кўрсатадиган бўлишди. Шунинг учун ҳам тунги соат 2 ларда ва тонгги 5 ларда қабиҳ ишларни амалга оширмоқчи бўлиб юрган ғаламислар милиция ходимларига, айнан профилактика инспекторларига дуч келишди. Улар таъқибидан қутула олмасликларига кўзлари етгач, қурол ишлатиб бўлса-да қочишга уриндилар. Аммо улар милициянинг пост-патруль хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳам тунда профилактика инспекторлари билан ёнма-ён юриб, маҳаллада хизмат олиб бориши ва уларнинг йўлини тўсишини билишмагандир.

Мана энди эътибор қилинг: террорчи маҳаллада юриб у уйдан-бу уйга киролмаса, кўчада у кўчадан – бу кўчага ўтолмаса, хўш, айтинг-чи, аламини кимдан олсин? Ўзига рўбарў келган милиция билан олишсинми ёки уни айланиб ўтиб оломон орасига кирсинми?

Душанба куни эрталаб ички ишлар ходимлари “Чорсу” бозорига келаётган тинч аҳолини хавфдан огоҳ қилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоғида жазавага тушган террорчи аёлнинг ўзини портлатиши оқибатида турли даражада тан жароҳатлари олишгани ва ҳалок бўлишганини россиялик “ҳамкасбимиз” атайлаб милицияга қаратилди, деб шарҳлади. Энди ўйлаб кўринг, 29 мартга ўтар кечаси Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларида ички ишлар ходимлари билан террорчилар

ўртасида тўқнашувлар бўлиб, ғаламислардан портловчи моддалар ва шахидлар белбоғлари олинсаю, тонг чоғи эрталаб фуқаролар бемалол бозорга қўйилаверсинми?

Нима эмиш, душанба куни “Санитарний день” бўлгани учун бу ерда фақат милиция ходимлари бор экан. Ҳей биродар, Ўзбекистон бозорлари, айниқса, деҳқон бозорлари бизда ҳар куни ишлайди. Шу жумладан, “Чорсу” бозори ҳам.

Яна бир охиб тушгани, исм-шарифларини аниқ ўқиёлмай қолдим, бир ўзбекистонлик ҳамкасбимиз: “Кўчада одамлар ўзини милициядан четга олиб қочмоқда”, – деб унга бошлаб интервью ҳам берибди. Биз билан ёнма-ён юрган бу журналистнинг гапи очиги, россиялик оғайнимизникидан ҳам охиб тушди. Халқимизда “Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир”, деган пурмавно нақл бор. Бу журналист нимага ишониб, нимага асосланиб шу гапни айтди, очиги, тушунолмадим.

Журналист сифатида кўрган-билганим шуки, бозорларда махсус тадбир ўтказётган милиция ходимлари менга: “Кўчадаги тақсирлар командир, сизларга раҳмат, халқимизни, беғуноҳ одамларни талофатдан сақлаб қолдинглар, бензин пулини берсанглар бўлди, дейишяпти” – деган гапларни айтишди. Қолаверса, Қибрай туманида бир гуруҳ террорчиларни қўлга олишда тинч аҳолига зарар етмагани учун фуқароларнинг қанчалик миннатдор бўлгани телевидение орқали кўрсатилди. Кўзига ёш олиб, милиция ходимларига таъзим қиламан, деган аёлнинг дил изҳори эшиттирилди.


Аминманки, сиздек журналистлар ишлаган телевидениеда бунақа миннатдорчиликлар намоийш этилмаса керак. Уларда айтилган фикрларни эшитдик. Шов-шувнинг кетидан қувиб, “ана у ерда ёнғоқ сотаяпти”, деб орқасидан ўзи ҳам ишониб кетиб қолган Афандининг гапига ўхшайди.

Афсуски, бизда ундай эмас. Воқеа содир бўлса, ходимларимиз жар солиш учун оммавий ахборот воситаларига интервью беришдан кўра, аввало ўша ердаги аҳвол ва аҳолидан хабар олишни биринчи ўринга қўядилар. Масала ойдинлашгач, чуқур мушоҳада қилиб, фикр айтилади. Матбуотимиз ҳам дабдурустдан томдан тараша тушгандек, узунқулоқ гапларга ишониб жар солмайди.

Хуллас, бизнинг халқимиз куруқ гапга эмас, ақлга ишонади. Ҳар бир воқеани чуқур ўйлаб, мулоҳаза қилиб, хулоса чиқаради. Ақл эса ҳеч қачон ҳеч кимни алдамаган, алдамайди ҳам.

Шухрат РҶЗИЕВ,  
журналист.

## ТЕРРОРГА ЙЎЛ ЙЎҚ!



етмаган кезлариёқ, 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Президент Ислон Каримов барча жиддий жиҳатларни таъкидлаган ҳолда жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида эътиборини мазкур муаммога қаратди. БМТ эса Афғонистонга қурол-яроғ етказиб бермаслик, толибларга жазо чоралари қўллаш каби оғзаки резолюциялар қабул қилишдан чарчамасди. Мамлакатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг “минг йиллик” саммитида сўзлаган нутқидан ҳам Афғонистон халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлантираётган дунё наркотик ишлаб чиқарилишининг асосий манбаи-фабрикасига айланганини уқтириб ўтганди. 1999

## Долзарб мавзу

**Маълумки, 28 март куни Бухоро вилояти Ромитан тумани "Қаҳрамон" қишлоғида яшовчи пенсионер Неъмат Раззоқовнинг уйида юз берган портлаш натижасида тўққиз киши ҳалок бўлган эди. Дастлабки тергов маълумотларига кўра, бу уйдан селитра ва алюминий кукуни аралашмасидан тайёрланган портловчи мосламалар топилган. Ушбу воқеа муносабати билан ўз мухбиримиз вилоят ИИБ бошлиғи Талъат Субҳонович САТТОРОВ билан суҳбатлашди.**

тушишмади, аксинча, уларга нисбатан қаҳр ва газабга тўлиб, бутун маҳалла-кўй, кўни-кўшни, меҳнат жамоалари бирлашиб, ҳар ким астойдил ўз юмуши билан банд бўлди. Айниқса, шаҳардаги янги боғ ва унга элтадиган йўл қурилишига эрта тонгда ноқ минглаб юртдошларимизнинг ишга тўпланишидан фақат фахрлиниш мумкин.

– Агар эсласангиз, мустақиллигимизнинг дастлабки

икки йилда турли соҳаларда эришилган ютуқларни бирма-бир санашдан, ёзиш ва таҳлил этишдан эринмайман, чарчамайман. Бу ишни ижодкор учун шараф деб биламан. Чунки Ватан, халқ, мустақиллик биздан адоват, гина-кудуратни эмас, холис, аччиқ бўлсада, тўғри сўзимизни кутади. Сўнги пайтларда бу қадим юрт – Бухоронинг азиз авлиёлари номларининг тикланиши, Юртбошимизнинг улар руҳларини шод этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари кўплаб ёвузликлар, хиёнаткор кимсаларнинг олдига тўсиқ бўлади, деб очик-ошкор айтгим келади.

– Улуғ заковат соҳиблари – донишманд боболаримиз номи, меросини ўрганиш, қайта тиклаш борасида чиндан ҳам улуғ ишлар амалга ошди. Юртбошимиз ташаббус кўрсатиб, маънавий ҳаётимизни безаб, тўлдириб турган қарор ва фармонларга имзо чекмоқдалар. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Бухорода таваллуд топган, улғайган тариқат пирларининг устуни Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллигини ўтказиш ҳақида Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган эди. Юртбошимиз Бухорога ташрифларини ҳар гал шу улуғ зот зиёратидан бошлаларида ҳикмат кўраман. Ёки Хожа Абдуллоҳиқ Фиждувоний ҳазратларининг 900 йиллик юбилейини кенг нишонлаш ҳақидаги қарорни эслайлик. Дастлаб қоғозларда акс этган режалар бугун ҳаётга татбиқ этилганини кўриб қувонасан киши. Узоқ-яқиндан келаётган зиёратчилар Бухорода, Фиждувонда қад ростлаган эзгу ниятлар мевасидан баҳраманд бўлиб, қалбларидаги эътиқод ва эҳтиромни яширмай, ушбу улуғ ишларга бош қўшган ҳар бир кишини дуо қилиб, Президентимизга тасанно айтмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, биз юқорида эсланган жамики бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг маънавияти, кадриятларимизни тиклаш борасидаги улкан ўзгаришларнинг бари юртимиздаги тинчлик-осойишталик туфайли амалга ошмоқда. Давлатимизнинг тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсати, минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишлари демократик тамойилларга амал қиладиган кўплаб мамлакатлар томонидан маъқулланмоқда.

Сўзимни Юртбошимизнинг халқимизга қилган қуйидаги мурожаати билан якунлайман: "Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солломайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди".

**Ражаббой РАУПОВ**  
суҳбатлашди.

ҚАҲРАМОНЛАР  
НОМИ АБАДИЙ

Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари ҳудудида содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида ички ишлар идораларининг бир қатор ходимлари мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, келажақда содир этилиши мумкин бўлган портлашларнинг олдини олдилар. Натижада тинч аҳоли ўртасида аянчли оқибатларга олиб келувчи мудҳиш ҳолатларга йўл қўйилмади. Аммо кўпуровчиликларнинг олдини олиш ва жиноятчиларни ушлаш пайтида 9 нафар ички ишлар ходими ҳалок бўлди, бир неча ходим эса турли даражада тан жароҳати олди.

Фидойилик намуналарини кўрсатиб, тинч-осуда яшаётган халқимизни терроризм балосининг мисли кўрилмаган офатларидан сақлаб қолган ички ишлар ходимларининг бундай мардона хатти-ҳаракатлари уларнинг касби, Ватани ва қасамёдига содиқлиги, юртини жонидан ортиқ севиши, фарзандларининг бахт-саодати ва камоли йўлида ҳар қандай курашга тайёрлиги, мамлакат тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга астойдил бел боғлашганини яна бир бор исботлади.

Қаҳрамонлик кўрсатиб, навқирон умрини бевақт хазон қилган милиция ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг жасоратини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш ҳамда ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка, унинг ўта оғир тури бўлган терроризмга қарши олиб бораётган саъй-ҳаракатларини холисона ёритиб бориш, мардлиги ва жасурлиги ҳақида видеофильм, очерк ва лавҳалар тайёрлаш мақсадида республика Ички ишлар вазирлигида ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Ишчи гуруҳи аъзоларига террорчилик ҳаракатлари содир этилган жойлардан олинган видеотасмаларни тўплаш, воқеа иштирокчилари ва гувоҳлар билан суҳбатлар ўтказиб, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида видеофильм ва ҳужжатли китоб ёзишга асос бўладиган материаллар тўплаш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари, жамланган ҳужжатлар ва фотосуратлар асосида жиноятчиликка қарши кураш ва террорчиларни яқсон этишда жасорат кўрсатган, ҳалок бўлган ва жароҳатланган ходимлар фаолиятига оид фотосуратлар асосида фотоальбом тайёрлаб, республика Ички ишлар вазирлиги "Шон-шараф музейи"га тақдим этиладиган бўлди.

Хизмат вазифасини бажариш вақтида мардларча ҳалок бўлган ҳамкасбларимиз – Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенанти Муҳиддин Амонов, милиция лейтенанти Эркин Саидов, Яккасарой тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Мансур Турғунов, Шайхонтохур тумани ИИБ пост-патруль хизмати ходимлари, милиция старшинаси Қодир Раҳмонов, милиция катта сержанти Фахриддин Тиркашев, милиция сержанти Отабек Қуватов, Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ИПХ батальони сафарбарлик гуруҳи инспектори, милиция старшинаси Ваҳобиджон Нуриддинов, Қибрай тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Азизжон Турсунов ҳамда туман ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлими милиционерни, милиция катта сержанти Заитбек Аҳмедовларни яқиндан билган дўстлари, ҳамкасблари ва қариндош-уруғларидан уларнинг ҳаёти ва фаолияти акс этирилган маълумотлар, сурат ва видеотасмаларни республика Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти нашрлари – "Постда" ва "На посту" газеталарига юборишларини илтимос қиламиз.

**Таҳририят.**

# ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ...

– Талъат Субҳонович, суҳбатимиз нохуш вазиятда кечаётган бўлса-да, аммо ишонч билан айтгим келадими, қадим Бухоро аҳлининг осойишталигига, мустақиллигимизнинг пойдевори бўлмиш аҳиллигимизга, бир-биримизга ва айниқса муҳтарам Президентимизга бўлган ишончга ҳеч ким – ҳеч қандай куч раҳна солломайди. Айтадиларки, няти холис кишиларни Аллоҳ ҳам қўлайди. Агар адолат мезони билан қарайдиган бўлсак, юртимизга тажовуз қилишга уринган кимсалар унинг қаҳрига учради, қора ниятларининг "мукофоти"ни олишди. Аммо афсус ва нафратга лойиқ томони шундаки, бу воқеа кимнинг ва ниманинг оқибатида юз берди, бу манфур тўданинг нияти, мақсади нима ўзи?

– Ҳар қандай мустақил давлат, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам ўз танлаган йўли, раҳбар-етакчиси ва бу йўлни ҳимоя қиладиган қонунлари, халқи, посбонлари бор. Милиция ўз вазифаси ва бурчига кўра халқнинг осойишталиги, жамоат тартибини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халқ билан бирга – ҳамқору ҳамжиҳатликда иш олиб боришга масъулдир. Ромитанда юз берган воқеа тафсилотига келсак, ёвуз кимсаларнинг хиёнаткорона қилмишлари чуқур ўрганилади ва бундан тегишли хулосалар чиқарамиз. Террорчилар ким, қай гуруҳ, қайси оқимга мансуб, кимлар ёрдамида юртимизга кириб келди, ўрнашди? Булар ҳақида сизни, газетхонларни ишонтириб айтаманки, ҳали батафсил, холис маълумотлар берамиз, мулоқот қиламиз. Террорчилар гуруҳининг мақсади ҳақида гапиришдан олдин мамлакатимизда ўн икки йил давомида юз берган, бераётган сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришларни бир эслайлик. Озмунча ишлар амалга ошдими? Энг муҳими, асрлар давомида озодликни орзу қилган, курашган, қон

тўққан жафокаш халқимизни бугун бутун дунё тан олди, таниди-ку!

– Ганймлиқ, ганимлар қаердан пайдо бўлди? Мамлакатимизда бирин-кетин амалга оширилаётган ислохотлар натижаси, келажаги порлоқ, кучли давлат қуришга бўлган интилишимиз, ҳаракатларимиз шум, фараз ниятли кимсаларни, гуруҳларни, оқимларни безовта қилапти, тинчини бузаяпти. Аммо шуни унутмаслик керакки, улар танлаган "йўл" холисликка, адолатга хизмат қилмайди, аксинча ҳар қандай уринишлари халқимизга, Ватанимизга, Президентимизга хиёнат, ёвузликдан иборатдир.

Бундай террорчилик Ромитанда ёки бошқа жойда содир этилишидан қатъий назар, халқимиз томонидан қаттиқ қораланади. Улар ҳақли равишда нафратга лойиқ, ўз юрти, ота-онаси, фарзандларимиз тинчи, оромини бузган қўли қон, ёлланган қотилларнинг фо-

йилларидаёқ Президентимиз "Ўзбекистонда сотқинлар бўлмасин!" деган даъват билан чиққан эдилар. Бу гапда жуда катта маъно-ҳикмат бор. Билингки, ўзини бизга рақиб, душман санаган кимсалар ўзларини, ҳаракатларини ниқоблаб, яширинча, хуфёна, яъни сотқинлик йўлини танладилар. Албатта, улар содир этган ҳар бир террорчилик ҳаракати синчиклаб ўрганилади, айбдорларга нисбатан қонун ўз сўзини айтади. Шу ўринда айтмоқчиманки, вазиятдан ҳамма, айниқса, милиция ходимлари, маҳалла, фуқаролар йиғини фаоллари, маҳалла посбонлари ва барча фуқаролар огоҳ бўлмоғи, эл қарғишига лойиқ, ёвуз ниятли кимсаларни фош этишга кўмаклашувлари лозим.

– Халққа, Ватанга нисбатан хиёнат қай бир гўшада юз бермасин, албатта ўз-ўзини фош этади, қораланади. Сотқинлик, хиёнатни қурол қилиб, ўз Ватанига қўл кўтарган тер-



рорчиларнинг мақсади не эканини тушунмайман-у, аммо мушкул дамда барчамизни ўз атрофидан мардона жипслаштирган Юртбошимиз тутган ва халқимиз эргашган йўлнинг тўғрилигига, келажагимизга ишонамиз. Чунки бу йўл аниқ, ошқора ва адолатли, халқпарвар бир йўлдики, иймони бутун киши ўзини панага тортмайди. Оддий бир журналист сифатида биргина Бухоро вилоятида ўн-ўн

жиаси бошқаларга сабоқ бўлишини истар эдим. – Ушбу террорчилик пайтида Бухорода эдим. Воқеа юз берган кун, эртаси ва индинига, бугун ҳам шаҳарда барпо этилаётган боғ ва йўл қурилишининг давом этаётганига гувоҳман. Бу йилги баҳор шаҳримизга мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларини бошлаб келди. Ромитанда содир этилган мудҳиш воқеадан юртдошларимиз саросимага

# УСНИНСНИ «Поетга» gazetasing ilovasi

## TV ОЛАМ

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

### Машхур кишилар ҳаётдан

**Ҳинд фильмлари ўзининг бетакрорлиги, ҳиссиётларга бойлиги, чуқур фалсафий мазмунга эгаллиги билан ажралиб туради. Ҳиндистон киноси машхурлиги учун ушбу санъат турининг таниқли устаси Раж Капурдан қарздордир. Бу қорасоч, табассуми ўзига ярашган инсон моҳир актёр, режиссёр сифатида бутун дунёга танилган эди. Раж Капур умрининг охирида ниҳоятда бойиб кетди. Аммо у ҳаётда қанчалик бахтли эди? Армонлари ҳам бормиди?**

ган бўлса-да, янги ишни ўрганишдан ор қилмади. Тирикчилик ўтказиш учун отасининг театрида ҳам безовчи рассом бўлиб ишлади. Баъзан кунига 20 соатлаб меҳнат қилишига тўғри келарди.

#### МАФТУНКОР НАРГИС

Бир куни Ражнинг отаси театрда чиқиш қилиши шартлари масаласида келишгани актриса Жаддамбайниқига юборди. Ушанда у 19 ёшда эди. Раж эшикни тақиллатганида бир неча сониядан сўнг останада актрисанинг қизи – 17 ёшли, мафтунокор

Бундан икки ҳафтача олдин Русланнинг хонадони қувонча тўлди. Чагаевлар оиласида фарзанд дунёга келди. 30 март куни Германиянинг Ахен шаҳрида WBO йўналиши бўйича Р. Чагаев россиялик чарм қўлқоп устаси Алексей Варакинга қарши рейтинг жангида рингга тушди. Жангнинг 2-раундидаёқ “Оқ Тайсон” рақибини нокаутга учратиб, фарзанд қувончига ғалаба шодиёналарини ҳам қўшди.

Ушбу ҳафта Москва, Донецк ва Лас-Вегас шаҳарларида профессионал бокс бўйича бир нечта муҳим жанглар бўлиб ўтади.

Кеча Москвада ҳамюртимиз Темур Иброҳимов россиялик Игорь Чикиркага қарши жанг олиб борган бўлса, бугун Донецкда яна бир вакилимиз Нодир Холмуродов профессионал рингдаги дастлабки баҳсини украиналик Станислав Мердовга қарши ўтказди.

10 апрель куни эса Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам рингга чиқади. Ака-ука Клич-

колар билан бирга бир жамоада машғулот ўтаётган фахрли боксчимизнинг бу сафарги рақиб америкалик Жессио Феличианодир. Ҳамюртларимизга фақат ва фақат омад тилаб қоламиз.

Ушбу ҳафтанинг ўта муҳим жангги ҳам худди шу куни ташкиллаштирилган. Украинанинг миллий ифтихори ака-ука Кличколарнинг кичиги – Владимир Кличко WBO йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида америкалик Лаймон Брюстер билан чемпионлик камарини қўлга киритиш учун курашади.



Коптокни ҳалиям кидиришяптими?

Саҳифа материалларини Эркин САТТОРОВ тайёрлади.

## Тадбир

ҲАФТАЛИК  
САМАРАЛИ  
ЎТМОҚДА

Шу йил 5 апрелдан 11 апрелга қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодиёт Комиссияси Котибияти қабул қилган Қарорга кўра "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги" ўтказилмоқда.

Бу Қарор мамлакатимиз фуқаролари учун ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги фаолликни оширишга хизмат қилувчи дастур эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Республика ИИБ ЙХХБ бошқармаси раҳбарияти томонидан ҳафталикни самарали ўтказиш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди. Режада кўрсатиб ўтилганидек, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳафталик самарадорлигини ошириш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиялари билан ҳамкорликда корхона, ташкилот, хўжалик, идоралар, ўқув муассасаларида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Шунингдек, транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ва қоидабузарларга нисбатан чора кўриш мақсадида жамоатчилик вакиллари иштирокида гуруҳлар тузиб, рейдлар ўтказилапти.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталигида кенг жамоатчилик фаол иштирок этиши муҳим эканлигини унутмаслик зарур.

**А. СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**  
милиция подполковниги.

## Тўйхат ўрнида

... Баҳром ота суҳбатни машъум уруш йилларида кўрган-кечирганларини ҳикоя қилишдан бошлади-лар.

Ҳали ўн саккизга кириб-кирмаган йигит "фашизм" деб аталмиш балога қарши жангга отланиб, етти йилгача ажал оғзида юриши – то 1949 йилгача уруш асоратларини тугатиш ишларида қатнашиши айтишгагина осон. Отахон бошидан кечирган воқеаларни алам ва армон билан сўзлар эканлар, уни тингланлар уруш даҳшатларидан сесканиб кетишади. Шу билан бирга қалбларида тинч турмушимиз, осойишталигимизни кўра олмай, бош кўтариб қолаётган малъунларга нисбатан нафрат уйғониб, юртга меҳр туйғуси жўш уради.



# ДУОЛАРИ ИЖОБАТ БЎЛСИН!

– Амакиннингизнинг жангоҳларда олган асорати орадан ўнлаб йиллар ўтиб ўзини кўрсатди, – дея синиқ жилмаяди у кишининг турмуш ўртоғи Мастура ая. – Кўзлари хиралаша бошлагач, болаларимиз кўп жойларга, ҳатто таниқли профессорларгача олиб бориб, кўрсатишди. Текширув-тахлиллар уруш йилларида қор-муз кечиб юрганлари энди билинаётгани ҳақида хулоса берди.

Олий маълумотли адабиётчи бўлатуриб, кўп ишламай, фарзандлар тарбияси, уй-рўзгор юмушлари билан бўлиб, уйда қолиб кетганимдан ўксир эдим. Ўйлаб кўрсам, ҳаётда фарзанд тарбиясидан улуғ иш йўқ экан. Амакинги билан салкам олтмиш йилдан буён биргамиз. Тўрт фарзанд, ўн набира, етти эваранинг ҳаммаси одоли, ақл-фаросатли, бўлиб етишаётгани бизнинг бахтимиз.

Баҳром Мирзоҳидов 1949 йилда урушдан қайтгач, Тошкент шаҳар милиция бошқармаси (ҳозирги ИИБ)нинг 3-бўлимида тезкор вакил бўлиб иш бошлади. У ички ишлар идораларининг турли хизматларида ўттиз йилдан ортиқ меҳнат қилди – умрининг кучкуватга тўлган, жўшқин давраларини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, эл-юрт осойишталигини таъминлашга сарфлади. Ўз фаолиятида нуқсонсиз ишлаб, фақат эл-юрт таҳсини ва рағбатлантиришларга сазовор бўлди.

– Бизларнинг дадамиздан олган энг катта хислатимиз – Ватан қадрига етиш, унга содиқликдир, – дейди отанинг тўнгич фарзанди, олий маълумотли педагог Мухаббатхон. – Турмуш тақозоси билан умр йўлдошим Украинада хизмат қилиб, вақтинча ўша ерларда яшаганимизда дадамнинг

ёзган хатларини ўқиб, кўзимга суртар, гўё шу билан азиз Ўзбекистонимнинг тупроғини тавоф қилаётгандек бўлардим.

Дарвоқе, оиланинг яна уч фарзанди – Миродил, Дилоромхон, Умидахонлар ҳам ватанпарварликда Мухаббатхондан қолишмайдилар. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, гап ўз-ўзидан юрт осойишталиги, Ватан қудрати, гўзаллиги мавзусига бориб тақалаверади.

Истеъфодаги милиция полковниги Баҳром ота Мирзоҳидов юрт олдида қилган хизматларини фахр, ифтихор билан ҳикоя қилишда давом этади. Республика ИИБнинг кадрлар бўлимида, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси инспекцияси, қўриқлаш хизматида ўтган йиллар ҳақида гапирар экан:

– Шунча вақт ишлаб, бирор марта бировга ноҳақ озор бермадим. Фақат раҳматнома эшитиб, фахрий ёрлик ва бошқа

мукофотларга сазовор бўлиб келдим, – дейди ғурур билан.

– Набиралар орасида касбингизни давом эттираётганлар борми? – сўрайман у кишидан.

– Бор, – отахоннинг нуруний чехраси яшнаб кетди. – Зафаржон шаҳар ИИББ тергов бошқармасида бўлим бошлигининг ўринбосари, Отабек А. Икромов тумани ИИБда тезкор вакил. Иккови ҳам милиция катта лейтенанти. Жияним Ғайратжон милиция майори. Миробод тумани ИИБ навбатчилик қисмининг бошлиғи. Набира куёвим Ботиржон ҳам милиция катта лейтенанти. Чилонзор тумани ИИБда хизмат қилади. Яна бир набирам Зиёдахон юридик коллежини битириб, "Фотон" ишлаб чиқариш корхонаси кадрлар бўлимида ишлаяпти...

Баҳром Музаффарович хизмат билан бирга собиқ САГУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг юридик факультетини битирганлар.

– Қизларим оналари каби педагог бўлишди. Ўғлим муҳандис. Набираларимнинг кўпчилиги менинг касбимни танлашди. Ўқишни битириб, ички ишлар ходими бўламан, деганлари кўп ҳали, – дея қувонч билан суҳбатни давом эттиради отахон. – Майли, ишланлар, дейман. Набираларим каби юрагида ўти бор ёшлар "Элим, Ватаним" дея унинг хизматида талпинар экан, Ўзбекистонимизда тинчлик ҳукм сураверади.

Бугунги кунда Баҳром ота Мирзоҳидов табарруқ 80 ёшни қарши олмоқдалар. У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фарзандлари, набиралари ва эвара-чевараларининг бахти-камolini кўриш насиб этишини тилаб қоламиз.

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

**Суратда: истеъфодаги милиция полковниги Баҳром ота Мирзоҳидов рафиқаси Мастура ая билан.**

## Хизматларда

## БИР МАРОМДА

Мана, "ЎздЭУавто" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси конвейеридан дастлабки автомобиллар чиқа бошлаганига 8 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида Асакадаги автомобиль заводида 300 мингдан зиёд "Нексия", "Матиз", "Дамас", "Тико" ва энг сўнгги русумдаги "Ласетти" автомобиллари ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда етакчи ўринни эгаллаётган ушбу корхонада шу кунларда 3,5 минг нафардан ортиқ ишчи хизмат қилаяпти. Бир кеча-кундузда турли русумдаги 220 та автомобиль тайёрланмоқда.

– Бутун шахсий таркиб билан корхона ҳудудини қўриқлаш, маҳсулотлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш каби вазифаларни сийқидилдан бажармоқдамиз, – дейди Асака шаҳар ИИБ ҳузуридаги автозаводни қўриқлаш милиция бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Т. Мақсудов. – Ходимларнинг хизмат қилиши ҳамда дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, назорат масканлари ички телефон тармоғига уланган. На-

зорат ишлари видеотасма лентасига тушириб борилади. Патруль-пост хизмати ходимлари алоқа воситасига эга. Бўлимда кадрлар танлашга жиддий эътибор берилмоқда. Хизматга асосан Андижон вилояти ИИБ қошидаги ўқув марказида жанговар тайёргарликдан ўтган ёшлар қабул қилинапти.

– Ўтган йили ходимлар томонидан 9 та ташмачилик ҳолатлари аниқланди. Маҳсулотларни бўйаш цехи ишчиси Д. Карим умумий нархи 19 минг сўм бўлган буюқни яширинча олиб чиқиб кетаётганда ушланди. Пайвандлаш цехи ишчиси М. Абдуқодир "Тико" автомашинасига ишлатиладиган махсус михларни, Б. Даврон эса электр ўтказгичларни ўғирлаб олиб кетаётганликлари фош этилди. Қонунбузарлар маъмурий тартибда жазога тортилди.

Қўшма корхона маъмурияти бу ерда хизмат қилаётган милиция ходимларининг меҳнатини ҳамisha қадрлаб келмоқда. Улар учун икки маҳал бепул овқат, байрам кунлари турли совға ва пул мукофотлари берилди.

**Б. КЛЕЙМАН.**

Ҳазорасп тумани ИИБ ХЧК ва ФБ ходимлари қатор ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Бўлинма ходимлари жорий йилнинг шу давригача қишлоқ, маҳалла ва ўқув муассасаларида бўлишиб, уч минг нафардан зиёд фуқарога Ўзбекистон Республикаси паспортини топширишди. Шундан 1603 нафари илк бор фуқаролик ҳужжати эга бўлган ёшлардир.

– Туман ИИБ да бу йил қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, – дейди бўлинма бошлиғи, милиция капитани Ҳасанбой Қаландаров. – Унга асосан қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда 16 ёшга тўлган ҳамда паспорт алмаштириш ёшидаги ногиронларнинг уйларига бориб, паспортни тантанали равишда топшираёلمиз. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари эса турли совғалар улашиб, моддий ёрдам беришмоқда.

**Х. ЖАБОРОВ.**

ПАСПОРТ ХОНАДОНДА  
ТОПШИРИЛАЯПТИ

**Суратда: милиция капитани Ҳасанбой Қаландаров (чапда) бўлинма инспектори, милиция катта лейтенанти Умид Мадрахимов билан навбатдаги тадбирга тайёргарлик кўрмоқда.**

**Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.**

## Саломатлик сабоқлари

ҚАНДАЙ  
ОВҚАТЛАНИШ  
КЕРАК?

Қанд касаллигига чалинганлар шакар (оқ қанд), ширин ичимликлар, оқ нон, макарон, хурмо, майиз, музқаймоқ, пиво, спиртли ичимликлар, олхўри, ўрик истеъмол қилмасликлари лозим. Ёғи олинган сут, сузма, қатиқ, гулқарам, тузланган қарам суви, пиёз, саримсоқ-пиёз, анор, нок фойдали.

## НОН ҲАҚИДА

Биз жавдари (қора бугдой) ундан бўлган нонни менсимаслигимиз мумкин. Англияда у бадавлат кишиларнинг егулиги ҳисобланади. Жавдари ун нонининг фойдаси катта. У юрак фаолиятини яхшилади, тишни мустаҳкамлайди, атеросклероз, гипертония (қон босими), анемия (кам қонлик) касалликларига чалинган кишиларга тавсия этилади. Жавдар поясининг қайнатмаси томоқ оғриғига шифо. Қора бугдой оқсил таркибига серотонин кайфиятни кўтарди.

Арпани қадимда олтин дон деб аташган. Миср фиръавлари дастурхонидан арпа нон аримаган. Қадимги Юнонистон ва Римда ҳам у кундалик нон сифатида истеъмол қилинган. Ўзининг тўйимлилигига кўра арпа бугдой, жавдар, сулидан ҳам устун. Табиблар устози, табобат отаси Гиппократнинг ўзи касалликнинг турига

ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА  
ЧАЛИНСАНГИЗ...

Қандли диабет, соддароқ қилиб айтганда, қанд касаллиги организмда инсулин моддасининг етишмаслиги натижасида келиб чиқади. Оқибатда модда алмашинуви бузилади. Сабаблар турлича бўлиши мумкин. Ирсий мойиллик, ошқозон ости беши томирлари склерози, панкреатитлар, инфекциялар, жароҳатлар, қон ва пешоб (сийдик)да глюкоза моддасининг кўпайиб кетишига олиб келувчи бошқа хасталиклар шулар жумласидандир.

Касалликнинг аломатлари қуйидагилардан иборат: оғиз тез қурийдими, бемор кўп ичимлик (суюқлик) ичади, кўп сияди, озиб кетади, ҳоли қурийдими, иш қобилияти пасаяди, териси қичийди, йирингли хасталикларга чалинади. Тез-тез боши оғрийдими, уйқуси бузилади, асабий, инжиқ бўлиб қолади. Кўпинча кўз қон босими ошади.

қараб арпадан тайёрланган шўрва ичишни тавсия этган. Арпа ундан пиширилган атала қонни тозалайди, жигар, ўт пуфаги хасталикларидан халос қилади. Шунингдек, артрит, ревматизм (бод), бош оғриғида нафи тегади, кўнгил озишини қолдириб, ошқозон фаолиятини кучайтиради. Арпа нони, суви умрни узайтиради.

Қадимдан германлар, скандинавлар ва галлар сули нонини истеъмол қилишган. У сафрони ҳайдайди, шамоллашнинг олдини олади. Қон таркибини яхшилайдими,

юрак ишемик касалликлари, гипертонияни даволашга ёрдам беради. Шунингдек, шишларни кетказиш, ақлий чарчаш, уйқусизликда самара беради. Ўт пуфагида тош бўлганлар, сариқ касаллигига чалинганларга сули киселини ичиш тавсия этилади. У кишини ёшартиради, организмдаги захарли моддаларни ювади. Хусусан кўрғошин, симоб, кўзқориндан захарланганларга кўп нафи тегади. Сулида гиёҳвандлик балосидан қутилишга ёрдам берадиган моддалар ҳам топилган.

Маккажўхори уни юрак-қон томир тизими, жигар ва ўт пуфаги фаолиятини яхшилашини, тиш ва суякларни мустаҳкамлашини яхши билишади. Маккажўхори попуги дамламаси ва ёғидан сурункали холецистит, буйрак касалликларини даволашда фойдаланилади. Узоқ пайт истеъмол қилинса тери касалликларига ҳам шифо бўлиши мумкин. Ҳали бутунлай етилмаган маккажўхори донлари қайнатиб ичилса, ошқозон ости беши касаллигини тuzатади.


Маккажўхори шўрваси гастритга даво.

Гуручнинг кўпчилик билмайдиган шифобахш хосиятлари ҳам бор. Унинг қайнатмасига ялпиз ва пиёз қўшиб истеъмол қилсангиз, организмнинг захарланишини камайтиради, тана ҳароратини туширади, ангина, грипп ва пневмонияга шифо бўлади. Гуруч асабни тинчлантиради, миёга дам беради, юзни тиниқлаштиради. Қовун сувига гуруч ундан хамир қориб, юзга сурсангиз, хуснбузарларни кетказади.



Энди-энди компьютерлар хонадонларга кириб кела бошлаган кезлари оммабоп газета-журналларда уларнинг зарари ҳақида кўп ёзишган эди. Чоп этилган мақолаларга ишонадиган бўлсак, монитор олдида кўп ўтирган одамларнинг сочи, тишлари тўкилиб кетаркан. Бора-бора улар бадбашара кишиларга айланишармиш. Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Бу гапларнинг аксарияти уйдирма, албатта. Қуйида чиндан ҳам компьютерчилар орасида кенг тарқалган хасталиклар ва улардан сақланиш йўллари ҳақида ҳикоя қилинади.

## КОМПЬЮТЕР АЙБДОРМИ?

СОҒЛИҚ ПУЛДАН  
АЗИС

Одатда одамлар компьютерни арзонроққа сотиб олишга ҳаракат қилишади. Кўпинча монитор харид қилишда пулларини тежамокчи бўлишади. Аммо билиб қўйингки, арзон шўрва татимас. Экрандаги тасвир асло титраб туриши керак эмас. Акс ҳолда бундай монитордан фойдалансангиз, бир-бир ярим ой ичида кўз шифокорига кўзойнак ёздириб олиш учун қатнашингизга тўғри келади. Зеро, соғлиқ пулдан азизроқ. Экранда кадр алмашиниш суръати (частотаси) 75 герцдан кам бўлмаслиги керак. 85-90 герц бўлса, аянам яхши. Windows 95/98да баъзи мониторларнинг кадр алмашиниш суръатини ўзгартириш мумкин.

Эсингизда бўлсин, арзон видеокарта юқори частотага дош беролмайди. Монитор катта, кенг, хавфсиз бўлгани маъқул.

УМУРТҚА  
ПОҒОНАНГИЗНИ  
АСРАНГ!

ЭХМ (электрон ҳисоблаш машиналари) билан ишлайдиганлар орасида айниқса умуртқа поғонаси хасталиклари кенг тарқалган. Бу касалликларга хусусан болалар ва ўсмирлар тез чалинишади. Чунки уларнинг скелети ҳали шаклланаётган, ўсаётган бўлади. Бўғинлар ҳадеб майишаверса, қайрилаверса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Компьютерда ишлашга мўлжалланган махсус оромкурсингиз бўлса аянам яхши.

Уни ҳар бир киши осонгина ўз бўйига мослаштириб олиши мумкин. Агар одатдаги стулда ўтирадиган бўлсангиз, шундай ўтирингки, суянчиғига орқа томонингиз тегиб турсин. Стул жуда баланд ҳам, паст ҳам бўлмаслиги керак.

БАРМОҚЛАРНИ  
ҲАМ...

Бармоқлар бўғинларининг хасталикка чалиниши компьютерчиларга хос касб касаллиги ҳисобланади. Сабаби, компьютерда кўп ишлаш оқибатида қўлларнинг асаб толалари зарарланади. Тўғри, бу касаллик кам учрайди. Шундай бўлса ҳам ундан сақланишнинг эҳтиёт чорасини кўриб қўйган маъқул. Авваламбор ишхонада вақти-вақти билан танаффус қилиб туринг, тўғри ўтиринг. Қолаверса, қўлларингизни тирсадан тўқсон даражали бурчак остида букинг, кафтингиз клавиатура устида эркин туриши керак. Мониторга тикка қаранг.

Компьютерда меъеридан ортиқ ишлаш катталарда депрессияга, ёш болаларда эса безовталикка, асабийлашишга олиб келиши мумкин. Ўзингизда бу аломатларни сезсангиз, "мулоқот"ни камайтинг. Тўтқаноқ касаллигига чалинган кишилар компьютерда ишлашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашишгани маъқул. Экранда тасвирларнинг тез-тез алмашиб туриши натижасида уларнинг тутқаноғи тутиб қолиши мумкин. Ҳатто кўпгина компьютер ўйинлари ҳам бундай беморларга салбий таъсир қилади.

ОЁҚЛАРГА ҲАМ  
ОСОНМАС

Оёқлар инсон танасининг устунларидир. Афсуски, сайёрамиздаги ҳар беш кишининг бири вена қон томирларининг варикоз кенгайиши хасталигига чалинган. Артерия ва венани бекорга ҳаёт ирмоқлари дейишмайди. Юракдан кислородга тўйинган қон артерия орқали тананинг ҳар бир ҳужайраси томон шошади. Изига эса вена орқали қайтади.

Айниқса, оёқдаги томирларга қийин. Чунки юраккача бўлган ўртача бир ярим метр баландликка қонни ҳайдаш ҳазилакам гап эмас. Хусусан, шундоқ юзада – тери остида жойлашган веналар зўриқади. Шунинг учун биринчи галда улар касалликка чалинади.

## ҲАММА НАРСА ЎЗГАРАДИ

Вақт ўтиши билан веналар эластиклик хусусиятини йўқотиб боради. Улардан қон ўтиши қийинлашади. Эйтибор берсангиз, тери остидан веналар бўртиб кўриниб қолади. Муолажа чоралари кўрилмаса, варикоз касаллиги авж олади. Йўғон, буралиб, бир-бири билан чатишиб кетган томирлар айримларга таниш бўлса керак. Натижада терилар дағаллашиб, уларни қийин битадиган яралар қоплайди.

Оқиши секинлашган қон тез қотиб, тормбалар (қон лахтаклари) ҳосил бўлади. Бу қон айланишини баттар қийинлаштиради. Бунинг устига веналарнинг яллиғланиши – тромбозфлебит қўшилиши мумкин. Қон лахтакларининг парчалари ўпкага етиб борса, бу ҳаммасидан ёмони. Оқибатда улар томирларга тикилиб, кишининг тўсатдан ўлиб қолишига сабаб бўлади.

## ЎЗИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ

Мазкур касалликка ҳамма ҳам чалиниши мумкин. Хусусан, узоқ вақт тик оёқда турадиган одамлар – сотувчилар, ўқитувчилар, жарроҳлар, ҳаммоллар унга кўпроқ мойил бўлишади. Семизлик, баланд пошналар пойафзал кийиш, ўтириб, энгашиб узоқ ишлаш, суяк суриш ҳам хасталикни келтириб чақиради.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилишни маслаҳат берамиз. Иложи борича узоқ тикка турманг ёки ўтирманг. Имкон туғилиши билан у ёқ-бу ёққа юринг. Дам оладиган бўлсангиз ётинг. Каравотда ётсангиз, оёғингиз юрагингиздан 15 сантиметрлар баландроқда бўлгани маъқул. Тор пойафзал киймасликка ҳаракат қилинг.

Ортиқча иссиқ ҳам зиён. Меъеридан ортиқ ҳароратда веналар янаям кенгайиб кетади. Шунинг учун иссиқ ванна ёки душ қабул қилганингиздан кейин оёғингизга совуқроқ сув қуйиб юборинг. Оёғингизни офтобда ҳам кўп тобланг. Энг муҳими – веналарингизни машқ қилдинг. Бунинг осон йўли: дам пошнада, дам оёқ учиде туриш.



Турмуш чорраҳаларида

# «ОНАСИНИ ТИРИКЛАЙИН ЎТГА СОЛГАН БОЛАМ-А...»

Болажоним, кўзимнинг нури!

Бугун уйдан кўчага чиқолмай, эл-юрт кўзига кўрина олмай қолдим. "Болам" деса, ичим куяди. Ёнаётган юрагимнинг тафтини босиш учун муздек-муздек сув ичман. Лекин у ҳам ичимга олов бўлиб қуюлади, лахча чўғ бўлиб турган бағримга таскин бера олмайди. Кечакундуз, юрсам-турсам кўз олдимда сени гоҳ қулиб, гоҳ ҳардамхаёллик билан паришон бўлиб остонадан ўтганинг тураверади. Нега ўшанда, менга ғалати қараб, иккиланиброк кўчага йўл олганингда: "Ҳа, болам, тинчликми? Нега кўринишинг ғалати? Қаёққа, нима учун кетаяпсан?" деб сўрамадим? Аксинча, ўз ишим билан андармон бўлиб, "тезроқ қайтгин" деб қўя қолдим?

Сен кўчага чиқиб кетганингдан кейин юрагим ғаш бўла бошлади. "Боламинг кўнглида қандайдир дард бор. Ҳали келсин, қақмайтириб, бир дилдан сўхбатлашаман" дея кўнглимга таскин бердим. Ҳатто сени ўз ҳолингга ташлаб қўйган, "боламинг бўйи бўйим билан тенг бўлиб қолди, бошини икки қилайлик" деган гап хаёлига келмаган отангдан ҳам ўпкаладим. "Ҳали келса, маслаҳатлашай" деб ният қилдим. Лекин афсус...

Сенга нима етмаётгани, болажоним? "Тилаб топган ўғлим" деб отанг иккимиз топганимизни кўлингга тутқазиб, папалаб ўстирмадикми? Ҳатто ўқитувчиларинг "болангиз яхши ўқимайди" деб шикоят қилиб келишганда "ўргилай, ўқи деб боламин қийнайверманглар, бир куни одам бўлиб, ҳаммаларингни уялтирар" дея гапини эшитишни ҳам хохламай уйдан чиқариб юборган эдим-а уларни. Ўзимча "болам кўп ўқиб, чарчамасин" дегандим-да.

Амаллаб ўрта мактабни битирдинг. "Ўқимайман" дединг, "хўп" дедик. Бирор жойда ишлашга бўйининг ёр бермади. Биз ҳам "майли, боламинг ҳали ёш, ўйнаб-қулсин" деб парво қилмадик. Отанг иккимиз кўлимиз косов, белимиз обкаш бўлиб ишлаб, таомнинг олдини, едирдик, кийимнинг сарасини кийдирдик. Қайсидир ма-

ҳалладаги домладан "илм ўрганияпман" деганингда эса ўзимизни кўйгани жой тополмай қолдик. Бўлмасамчи, биз, омилар эскича илм-амаллардан бесавод ўтсагу, ёшгина фарзандимиз эртаниндин "кимсан, фалончи мулла" бўлса – биз қувонмай, ким қувонсин?

Сенинг феъл-атворингдани ўзгаришлар – такаббурлигинг, димоғдорлигинг ҳам бизга фазилат бўлиб туюлди. Намоз ўқиб, бизни ҳам шун-

"шифо берсин" деб қўя қолдинг. Ҳатто: "Ҳа она, нима бўлди? Тузукмисиз?" дея ҳол сўрашга ярамадинг. Кейинчалик бундай ҳол бир неча марта такрорланди. Сенинг бемехрлигингдан дилим оғриб, отангга ҳасрат қилдим. "Бунингизни ўқитаётганлар ким экан, сўраб билайлик. Эскича билим олганлар ота-онасидан ҳам кечиб юборсин, деган гап қаерда ёзилган экан? Домлаларини топиб, қанақа таълим бераёт-



га ундаганингда-ку, қаршингда қўл қовуштириб, мутелик билан оғзингга қараб, "нима дейсиз, бўтам?" дея сизлашга ўтдик.

Сен негадир одамови, кўрс бўлиб қолдинг. Илгаридек биз билан, опаларинг билан очилиб гаплашиш йўқ. Қачон, қаёққа кетиб, қай маҳал уйга қайтишингни ҳеч ким билмайди, ҳеч ким юрак ютиб сўрай олмайди ҳам. Уйга келганингда ҳам хонанга биқиниб оласан. Сен фарзандимиз, дилбандимиз кундан-кунга бизлардан узоқлашиб боравердинг. Сабабини сўрашга эса журъат йўқ. Шу тариқа, бир хонадонда яшаб туриб, бизга бегона одамга айланиб қолдинг. Эсингдами, уч кун йўқ бўлиб кетиб, қайганингда опанг қаршинга чиқиб, менинг бетоблигимни айтганида совуққина қилиб

ганини суриштиринг" деб йиғладим.

Отанг шўрлик сенга "домланг билан танишмоқчиман" деб балога қолди. Ота-бола қандай гаплашдинглар, билмадим, лекин у: "Онаси, болани кўлдан чиқарибмиз. Унингда одам сиеки қолмабди", – деб кўз ёшини кўрсатмаслик учун юзини бурди.

Нега ўшанда сенинг оёққўлларингни боғлаб, уйга қамаб қўймадик? Нега сен бизни одам ўрнида кўрмай қўйганингда ҳам "ҳой бола, ўзингни бос" дея ўртага олиб, йўлдан қайтаришга, одам қаторига қўшишга уринмадик? Нега? Агар ўшанда дадилроқ бўлиб, йўлингга кўндаланг бўлсак, балки бошимизга бу савдолар тушмасиди? Сен, арзанда ўғлимиз туфайли эл-юрт лаънатига учраб, юзи

қора бўлиб ўтирмасидик? Отанг бечора номусдан ўзини осиб ўлдирмасиди?

Ўшанда, охирги марта менга ғалати қараб, уйдан чиқиб кетганингдан кейин уч кунгача қайтмадинг. Сенинг тўрт-беш кунлаб йўқ бўлиб кетишинга ўрганиб қолган бўлсам-да, кўнглим ғаш, тиқ этса эшикка қараб, ичимдан қон йиғлаб, кўзим тўрт бўлиб, йўлингга қарадим. Отанг шўрлик дардини айтмайди, уйга кирса ҳам, чиқса ҳам уф тортади. Бу кўнгил ғашликларнинг сабаби тўртинчи куни, ҳовлимизга бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот ходимлари кириб келганда маълум бўлди...

Болам, сенинг касрингга қолган, тўғрироғи, касофатинг туфайли ҳалок бўлган, ўн гулидан бири очилмаган ёш йигитларда нима қасдинг бор эди? Улар сенга ўхшаш отабезори, манкурт эмас, элим, юртим деб, сенга, менга ўхшаганларнинг тинчлиги, осойишталиги йўлида тунни тун, кунни кун демай хизмат қилаётган экан-ку? Айт, нима учун қўл урдинг бу ишга? Ўлмоқчи экансан, одамсиз дала-даштга бориб портлатмайсанми ўзингни? "Болам ўлибди" деб бориб, ҳеч бўлмаса парчаланиб кетган эт-суягингни олиб келиб, кўммаймизми? Сен нобокорга бир калима дуо ҳам хайф энди. Қабринг учун бир кафт тупроқ ҳам хайф. Кафансиз, ном-нишонсиз кетганинг-кетган, бошқаларнинг умрини нега хазон қилдинг, болам?

Келганлар хонангни кўздан кечиришди. Шапалоқдек қоғозга "Алвидо! Топширик шундай бўлди" деб ёзиб, бир даста доллар билан бирга тортмага солиб қўйибсан. Шу билан гуноҳингни сотиб олмоқчи, тилга олишга арзимайдиган исмингни атаб, "болам бечора бизни ғамимизни еган экан" дегизмоқчи бўлдингми? Адашибсан. Аввало, худога шуқур, меҳнат билан кунимиз ўтиб турибди. Қолаверса, ўша, сени жаҳаннамга йўллаганлар алдашибди: долларларни кўз олдимда текширишди, сохта экан!

Алданган, жаҳаннамда куйган, онасини тириклайин ўтга солган болам-а... Сен кимларнинг қутқусига учдинг? Кимлар сени йўлдан урди? Сени, сенга ўхшаганларни лақиллатиб, Ватанига, эркига, онасига қарши қўйган, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиб, умрини хазон қилганларга, лаънатлар бўлсин!

**Она фарёдини оққа кўчирувчи:**

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

Гиёҳвандлик — иллат

## НАСЛИМИЗ КУШАНДАСИ

**Гиёҳвандлик инсоният наслига хавф солаётган балойи азимдир. Унга мубтало бўлган киши охир-оқибат бутунлай одамгарчиликдан чиқади. Гиёҳванд даволанмас экан, ҳам жисмонан, ҳам маънан таназзулга маҳкум. Энг даҳшатли томони, у бунёдга келтирадиган фарзанд ҳам кўпинча майиб-мажруҳ, ақлан заиф, ҳатто гиёҳвандликка мойил бўлиб тугилади. Шунинг учун асримиз вабоси бутун инсоният, миллатлар генофондига таҳдид қияпти, деймиз.**

Мамлакатимиз раҳбарияти буни чуқур ҳис қилгани боис "Наркотик моддалар, психотроп воситаларнинг гайриқонуний айланиши ва суистеъмолига қарши кураш" бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2002-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинган эди. Республика ИИБ Ҳайъатининг ўтган йил охирида бўлиб ўтган мажлисида мазкур дастур бандларининг ижроси, кенг қамровли "Қорадори – 2003" тадбири натижалари кўриб чиқилди. Жумладан, бир қатор вилоятларда бу борада йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорни бажариш юзасидан ўтган давр ичида Навоий вилоятида бир мунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, ЙПХ мунтазам масканлари ва мобил гуруҳларининг фаолияти кучайтирилди. Ходимларимиз гиёҳвандлик моддаларини қидириб топишга ўргатилган хизмат итларидан самарали фойдаланишяпти. Бу эса гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтиш билан боғлиқ қатор ҳолатларни аниқлаш имконини берди.

Масалан, "Анор" ЙПХ масканида урганчлик М. Одилбек бошқарувидаги "Опель-Кадет" русумли автомашина тўхтаиб "Лорд" лақабли хизмат ити ёрдамида текширилди. Шунда автомашина йўловчиси А. Зафарнинг чўнтагида героин борлиги маълум бўлди.

Вилоят ИИБ ЙХХБ ва Кармана тумани ИИБ ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбир чоғида шу туманлик Ҳ. Абдумалик марихуана гиёҳвандлик моддасини З. Юсупга сотаётганда қўлга олинди.

Ғиждувонлик Қ. Баҳодирнинг "Тико" автомашинасида йўловчи сифатида кетаётган С. Фарҳоднинг ҳам ёнидан героин топилди. У заҳри қотилнинг бир қисмини машина салонига яшириб қўйган экан.

Гиёҳвандлик, унинг кенг тарқалишига сабаб бўлаётган гиёҳфурушлик бутун инсониятга хавф солаётган экан, уларга қарши курашиш ҳам ҳар биримизнинг вазифамиздир.

**Саид ЭРГАШЕВ,**  
милиция майори.

Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма молия-иқтисод бўлими бошлиғи, милиция капитани Ҳ. Қосимовга падари бузруквори  
**ЭРКИН отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Хива тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Э. Юсуповга турмуш ўртоғи  
**Шоҳсанам ХУДОЙБЕРГАНОВА**нинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби профилактика катта инспектори, милиция майори И. Эсоновга онаси  
**ШАРОФАТ аянинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

### ҚИЗНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Фаргона вилояти ИИБ ҲООБ Кўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига Кўқон шаҳрида назоратсиз юрган қиз келтирилди. Исмини **Нафиса**, фамилиясини **Маҳмудова** деб таништирди. Унинг сўзларига қараганда, отасининг исми Оқилжон, онасиники Наимахон. Қиз 1988 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида яшаган. Чироқчи туманидаги 3-ўрта мактабда 2-синфгача ўқиган. Кейин ота-онаси ажрашиб кетишган

ва қиз қаровсиз қолган. Сўнгги икки йилда Наманган вилояти Чуст туманида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, кўзи қора, қоши қора, сочлари сарғиш.

**Кийимлари:** эгнида қора костюм-шим, оқ футболка, оёғида қора туфли бор.

**Алоҳида белгиси:** қорнида кўричак жарроҳлигидан қолган чандиқ изи бор.

**Нафисанин ота-онаси, яқин қариқдошлари Кўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига муурожаат қилишлари мумкин.**

А. Қодирий таваллудининг 110 йиллигига

# ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ

Абдулла Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида дунёга келди. Оилавий шароити тақозоси билан ёш Абдулла ўн икки ёшида мактабдан чиқарилиб, бир бойга хизматкорликка берилди. Бу ҳақда Қодирий ўз таржимаи ҳолида муфассал баён қилади.

Илмга ташна Абдулланинг бахтига манифактурачи бойга русча ўқиш-ёзишни билладиган хизматкор зарур бўлиб, уни рус мактабига ўқишга беради. Шу тариқа газета, китоб ўқиб, онги ўсиб борган Абдулла ўз даврининг зиёлилари қаторига киради. Газеталарда турли тахаллуслар билан мақолалари босила бошлади. Улар орасида "Жулқунбой" тахаллуси Абдулла Қодирий умрининг охиригача ҳамроҳ бўлди. У ўзбек романчилигига асос бўлган "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" каби асарлари, ўткир мақолалари билан ўз даврининг илгор кишиларидан бирига айланган. А. Қодирий 1938 йил 4 октябрда "халқ душмани" сифатида қатл қилинди. 1956 йилда истибдод қурбонлари, шу жумладан А. Қодирий ҳам оқланди. Лекин мустақиллик йилларидагина маънода оқланди, дейиш мумкин. 1992 йилда "Мустақиллик" ордени билан тақдирланиши, кўчалар, олий ўқув юртига номи берилиши, давлатимизнинг А. Навоий номидаги мукофотида сазовор бўлгани фикримизнинг исботидир.

Муштарийларимизда ўзбек халқининг буюк фарзанди А. Қодирий қаерда қатл қилингани, унинг қабрини қидириш ишлари ҳақидаги маълумотлар қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

Биз ушбу жумбоқни баҳоли кудрат ечишга бел боғладик. 1930-1934 йилларда собиқ Киров (ҳозир Юнусобод) туманининг "Ғалаба боғи" – Бўзсув атрофларида ҳамда ҳозирги Абразив заводи чегарасида бир неча гишт заводлари қурилиб, атрофдаги тепалик тупроқларидан хом ашё сифатида фойдаланилган. Юнусободдан Оқтепагача чўзилиб ётган собиқ Қоронкўл тепалигидан қачон ва неча йил давомида тупроқ олингани билан қизиқдик. Маълум бўлишича, қарийб ўн йил (тахминан 1947-1958 йиллар) тупроқ қазилган. Бу даврда 5-бошқармага қарашли гишт заводига Алмат ака Хусанов, кейин Сайдиумар Ҳикматов, ундан сўнг Сидиқ Расулов раҳбарлик қилган. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси Қоронкўл тепалигидан

тупроқ олиш жараёнида "қабристон"га дуч келмаган.

Ўша даврларда юк машинасида тупроқ ташиганлардан бири – Ҳамдам ака Мирназаров билан қилган суҳбатимизда баъзи "сир"лар очилгандек, Қодирийлар қатл қилинган жой топилгандек бўлди.

Шундан кейин қирқ йилдан ортиқ ҳайдовчи бўлиб ишлаган меҳнат фариши Хусан Тожибоев билан учрашдик. Маълум бўлдики, у киши юнусободлик уста Миролим Миркомиллов (марҳум) билан "иккинчи қабристон" очилишида қатнашган, ўша вақтда бош ва тана суякларини ажратиб олиб, ўзи бошқарган "ЗИС-528" русумли юк машинасида икки марта (бир марта тўлатиб, иккинчи марта юзарок) Оқ ота (Оқил ота) қабристонига олиб борган экан.

Бўзсувдаги Алвасти кўприқдан ўтиб, Оқтепага – ҳозирги Асбобсозлик ва Абразив заводларига бориладиган йўлдан беш-олти юз метр юрилса, Қоронкўл карьерни бошланарди. Ўз кўзлари билан кўрган кишиларнинг айтишича, худди шу ерда юзлаб, ҳатто минглаб беғуноҳ одамлар қатл этилган. Қоронкўл тепалигининг охирилари бўлган бу жойлардан урушгача ва ундан кейинги йилларда ҳам кечалари ўтиш қўрқинчли эди.

Ўша йилларда Қоронкўл тепалиги-каррьердан ўн йиллар давомида гишт заводига тупроқ ташиган юк машинаси ҳайдовчиси Хусан Тожибоевнинг гувоҳлик беришича, 1953 йил апрель ойининг бошларида тупроқ олиш навбати ана шу "қабристон"га келиб тақалган. Шунда ўша ерлик уста Миролим Миркомиллов тупроқ қазиб олаётганларни тўплаб, "Шу атрофдан бир йўла иккита "қабристон" чиқиши мумкин, эҳтиёт бўлинглар", – деб огоҳлантирган. Ўша куни шомга яқин Равил ака Асфандиёров бульдозерда тупроқ тортаётганида тепа бирдан пастга сурилиб, саноксиз бош чаноклари ва тана суяклари кўзга ташланган. Иккинчи "қабристон" ҳам ёнмаён, тўрт-беш метр келадиган чуқурлик ва кенгликдан иборат бўлган. Деярли барча ўликлар ўз кийимида, тартибсиз ётган, худди саржиндек тахланган. Айтишларича, марҳумларнинг эғнида бойвачча ва зиёлиларга хос банорас, беқасам ёки мовут тўн,



чопон, чакмон, оёқларида эса амиркон калиш-махси, ағдарма, пошнаси баланд хром этиклар бўлган. Тивит пайпоқ ёки пайтавалар ҳам ҳали ўз рангини ўзгартирмаган экан. Афсуски, қуёш нури тегиши билан кийимларнинг туси тегириб, илғаб бўлмас кукун-тупроққа аралашиб кетган.

Гувоҳларнинг айтишича, бу воқеа 1953 йил 6-7 апрель кунлари рўй берган...

Хусан Тожибоев "ўлик"ларни олиб боргану қайтган. Уларнинг қаерга дафн этилганини аниқ билмайди.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва яна ўнлаб буюк алломаларимизнинг қатл этилган жой топилганига шукур қилмай иложимиз қанча? Беғуноҳ аждодлар қатл этилган жойда ёдгорлик ўрнатилди, аждодлар учун зиёратгоҳ пайдо бўлди. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган "Шахидлар хотираси" мажмуи, "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ҳам ана шу изланишлар меваси десак, муболаға эмас.

С. МИРВАЛИЕВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор.

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадон ҳамда мулкингизни жиноий тажовузлардан ким ҳимоя қилади? Бундай хизматни шахримиздаги марказлаштирилган кўриқлаш пульталари бажаради. Ушбу пульталар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан арзон кўриқчидир!

Хонадон ва мулкингиз дахлсизлиги таъминланишини истасангиз, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси ва туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-37-83,  
134-01-69, 133-01-44


Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги  
кўриқлаш бошқармаси.

## ПРОСВЕДО

**ЭНИГА:** 5. Орттирилган иш тажрибаси. 8. Хушбўй ошкўк. 9. Воқеа-ҳодисалар даврлари бўйича қайд этилган манба. 10. Тантанали кун. 11. Моҳир кулоллар маскани. 12. Балиқ тури. 13. Сут маҳсулоти. 15. Атроф-муҳит. 17. Рус рассоми. 20. Маҳсулотнинг идиши билан биргаликдаги вазни. 21. Савол-жавоб варақаси. 22. Тўлов. 23. Кўчма цирк жиҳози. 24. Заргарлик ашёси, рангли тош. 25. Қўшни давлат пул бирлиги. 26. Абдулла Орипов шеъри. 29. Миллий ширинлик. 31. Электромагнит тўлқинларини тарқатувчи қурилма. 34. Ладога кўлига қўйилувчи дарё. 35. Ўзбек халқ достони. 36. Дам олиш маскани. 37. Ўзбекистондаги кўриқхона. 38. Кавказдаги республика пойтахти.

**БЎЙИГА:** 1. Сомса тури. 2. Сут маҳсулоти. 3. Арманистон футбол командаси. 4. Ҳашаматли бино. 6. Қримдаги шаҳар. 7. Ўзбек шоираси. 14. Балангликдан йўналган сув оқими. 16. Тартиб... 17. Меҳаник одим. 18. Инерт газ. 19. Ўтмишда ўқувчилар етакчиси. 27. Янги тош асри даври. 28. Ўзбек мумтоз шоири. 29. Соғайиш учун белгиланган овқатланиш тартиби. 30. Жануб меваси. 32. Металл арқон. 33. Сўроқ.

Фозилжон ОРИПОВ тузди



### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРИПТОГРАММИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

**Ёйлар бўйича:** 1. Файрат. 2. Қасам. 3. Варрак. 4. Данак. 5. Чаплин. 6. Нишон. 7. Тортик. 8. Хитой. 9. Ноғора. 10. Эртақ. 11. "Наштар". 12. Ҳалол. 13. Соврин. 14. Қизиқ. 15. Ширмой. 16. Бошоқ. 17. Дорбоз. 18. Тоифи. 19. Афанди. 20. Идрок. 21. Довруқ. 22. Мушук. 23. Бухоро. 24. Ўрқач.

### КРИПТОГРАММА

**Очқич сўзлар:** 1. Патир. 2. Меҳр. 3. Бурч. 4. Дароз. 5. Ринг. 6. Асбоб.  
**Ибратли сўзлар:** Табассум – чехранинг пардози.

ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI IIV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
Murod  
TILLAYEV  
Mas'ul kotib  
Rahmatilla  
BERDIYEV

Navbatchi  
Qobiljon  
SHOKIROV  
Sahifalovchi  
Zokir  
BOLTAYEV

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88.  
muxbirlar bo'limi  
139-77-23, 59-27-15.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT  
AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000131. Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida. 52633 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan  
olinganligini ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi tahririyat  
fikriga mos tushmasligi mumkin.  
Maqolada keltirilgan misollar,  
raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi  
uchun mualliflar javobgardirlar.  
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi  
va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366  
Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.  
Bosishga topshirish vaqti — 20.00.  
Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa  
kombinatida chop etildi.

Korxonalar manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Internet va xorijiy  
matbuot vositalarini asosida  
tayyorlandi.